



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

8 (58) 2023

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ШЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com>

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал

Научно-реферативный,

духовно-просветительский журнал

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

8 (58)

2023

август

Received: 10.08.2023, Accepted: 23.08.2023, Published: 25.08.2023.

УДК 070.19

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЁРИТИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Адизов Б.Т. <https://orcid.org/0009-0000-1184-3706>

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети
100017, Ўзбекистон, Шаҳар: Тошкент, Туман: Юнусобод, Киёт даҳаси (собик М-5), тел:
+998 (71) 207-09-06 Email: info@uzjoku.uz

✓ Резюме

Мақолада янги Ўзбекистон шароитида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмун моҳиятини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни таҳлил қилинган. Сиёсий партиялар матбуот органларининг фуқароларнинг тиббий, сиёсий, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги масъулиятли вазифалари очиб берилган. Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асосларига асосий эътибор қаратилган.

Калит сўзлар. Оммавий ахборот воситалари, коммуникация, тиббий маданият, соғлиқни сақлаш, сўз эркинлиги.

РОЛЬ СРЕДСТВА МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ В ОСВЕЩЕНИИ РЕФОРМЫ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

Адизов Б.Т. <https://orcid.org/0009-0000-1184-3706>

Университета журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана
100017, Узбекистан, Город: Ташкент, Район: Юнусабад, Киёт даҳаси (бывшая М-5),
телефон: +998 (71) 207-09-06 Email: info@uzjoku.uz

✓ Резюме

В статье анализируется роль средств массовой информации в освещении реформ, проводимых в системе здравоохранения в условиях нового Узбекистана. Выявлены ответственные задачи органов печати политических партий в повышении медицинской, политической и правовой культуры граждан. Основное внимание уделяется правовой базе средств массовой информации.

Ключевые слова. СМИ, общение, медицинская культура, здравоохранение, свобода слова.

THE ROLE OF THE MEDIA IN COVERAGE OF HEALTH CARE REFORM

B.T. Adizov <https://orcid.org/0009-0000-1184-3706>

University of Journalism and Mass Communications of Uzbekistan
100017, Uzbekistan, City: Tashkent, District: Yunusabad, Kiyot dahasi (former M-5),
phone: +998 (71) 207-09-06 Email: info@uzjoku.uz

✓ Resume

The article analyzes the role of the media in covering the reforms carried out in the healthcare system in the new Uzbekistan. The responsible tasks of the press organs of political parties in improving the medical, political and legal culture of citizens are revealed. The main attention is paid to the legal framework of the media.

Keywords. Media, communication, medical culture, healthcare, freedom of speech.

Долзарблиги

Маълумки, аҳолининг репродуктив жихатдан соғломлик даражаси миллат тақдири, давлатнинг умумий қудрати, нуфузи ва салоҳиятига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боисдан, мазкур масала бутун дунёда нафақат тиббий, балки тиббий-ижтимоий, қолаверса, ижтимоий-сиёсий муаммо ҳам ҳисобланади.

Тиббий кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бу соҳада фаолият кўрсатадиган мутахассисларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий савиясини юксалтиришдир. Зеро, жамият маънавий ҳаётини ривожлантириш кишиларнинг маънавият ва маърифат, ахлоқ ва ҳуқуқ, маданият ва илм-фан тўғрисидаги тасаввурларининг нечоғлик илмийлиги, шунингдек, тўғри назарий ва амалий негизга қўйилганлиги билан боғлангандир. Хусусан, бу борада оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти каттадир.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасида “Ҳар ким соғлигини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг қафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакллари, тиббий суғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўради. Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади”, 81-моддасида “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ иш олиб борадилар. Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини қафолатлайди. Оммавий ахборот воситалари ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгардир” [1], дея таъкидланган.

Инсонлар саломатлиги, тиббиёт соҳасидаги ислохотлар умуминсоний муаммолар сифатида мудом оммавий ахборот воситалари диққат марказида бўлиб келмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, шунингдек мазкур соҳада учрайдиган камчиликларни ёритишга интилмайдиган таҳририят деярли топилмайди.

Инсонлар саломатлиги билан махсус шуғулланадиган босма оммавий ахборот воситалари сони республикамизда анчадир.

Аҳолининг онги ва маданиятини шакллантиришга нисбатан таъсир этиш услубидан фойдаланиш сиёсий партияларнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур усулнинг зарурияти сиёсий партиянинг аҳолини ўз мақсад ва вазифалари ҳамда сиёсати атрофида бирлаштиришга эришишга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқади. Бинобарин, сиёсий партия билан жамоатчилик ўртасида самарали алоқалар тизимини яратиш давр талаби ҳисобланади. Бу борада ҳар бир сиёсий партия ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда матбуот органларини, интернет тармоғида веб-сайти ва бошқа ахборот тузилмаларини ташкил қилади [8,9,10]. ОАВ биринчи навбатда, жамиятдаги сиёсий иқтисодий, маънавий ва маърифий соҳаларда юз бераётган ислохотларни тарғиб ва таҳлил этади. Иккинчидан, жамиятимизда мавжуд бўлган турли қатлам фикрини ифодалаш билан бирга ижтимоий фикрни шакллантиради ва муайян томонга йўналтиради.

Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни ёритишда мамлакатда фаолият кўрсатаётган партия нашрлари, аввало, ўз партиясининг мақсад ва вазифалари, унинг мамлакат сиёсий жараёнлардаги иштироки, унинг дастурий Платформасида илгари сурилган ғоялар, электорат манфаатлари билан боғлиқ ахборотни ўз ўқувчиларига вақтида, тўғри ва ҳаққоний етказишдир. Ҳар бир сиёсий партиянинг марказий органи таркибида матбуот (ахборот) хизматлари ҳам ташкил қилинган. Таъкидлаш жоизки, матбуот хизматларининг асосий вазифаси сиёсий партия фаолиятдан кенг жамоатчиликни, шу жумладан, ўз электоратини хабардор қилиш, партия низоми ва дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, мафкуравий ғояларини тарғиб қилиш ва шу тариқа партияга нисбатан ижобий жамоатчилик фикрини шакллантиришга қўмаклашишдан иборатдир [6,7].

Сиёсий партиялар ва ОАВ ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашда матбуот анжуманларини мунтазам равишда ўтказиб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Матбуот анжуманлари орқали жамоатчиликка расмий сиёсий ахборот етказилади ҳамда сиёсий партия ва ОАВ ўртасида муайян даражада мунтазам алоқа юзага келади. Жумладан, инсонлар саломатлигини

сақлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, пандемияни бартараф этиш каби масалаларда амалга оширилган тадбирлар, турли хил учрашувлар, брифинглар ва анжуманлар шулар жумласидандир. Бунинг баробарида ОАВ билан улар ўртасида бевосита мулоқот юзага келади ҳамда журналистлар биринчи шахслардан ишончли, тезкор, жонли ва кенг қамровли маълумотларни олиш имкониятига эга бўладилар.

Партиянинг турли ички ва ташқи муносабатлар моҳиятини коммуникациясиз тасаввур этиб бўлмайди. Коммуникатив алоқалар ўрнатишнинг муҳим воситаси сифатида матбуот хизмат қилади. Бу ҳақда гап кетганда, газетанинг ахборот етказиш, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида хабар беришдек асосий вазифасидан ташқари, ушбу жараёнларда бевосита жамоатчиликнинг иштироки ҳам гавдаланади. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг органи “Ўзбекистон овози”, Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партиясининг бош наشري “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг партия босма наشري “Миллий тикланиш” ижтимоий-сиёсий газетаси, “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси”нинг асосий наشري “XXI ASR” ижтимоий сиёсий газетасида партия фаолияти билан боғлиқ мавзуларни ёритишда журналистлар асосий эътиборни партиянинг ўз дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, мамлакатнинг турли ҳудудларида амалга оширган ишларидан тортиб, ҳукумат миқёсида мамлакатнинг турли соҳаларига тааллуқли бўлган қонунларни қабул қилиш жараёнида ўрни ва бу жараёнлардаги иштироки масалалари қамраб олади. Партия нашрларининг мамлакат ҳаётидаги ўзгаришларни ёритиш жараёнидаги фаолиятини бир неча йўналишга ажратиш мумкин. Булар маънавий-маърифий, тарғибот, ахборот тарқатиш, ташвиқот, таҳлил ва талқин ҳисобланади.

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминловчи бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Соғлиқни сақлаш тизимида мавжуд камчиликларни бартараф этиш, инсонларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашда сўз ва ижод эркинлигининг роли каттадир.

Янги Ўзбекистон шароитида сўз ва ижод эркинлиги энг муҳим белгилардан ҳисобланади. Инсоннинг қандай кадриятлар, принципларни намуна, идеал, ҳаётий мақсад қилиб олгани унинг сўз ва ижод эркинлигида намоён бўлади. Бироқ сўз ва ижод эркинлиги моҳиятан ижтимоий фаоллик билан боғлиқдир. Инсон ўзининг манфаат ва қизиқишларини ҳимоя қилиш ёки рўёбга чиқариш учун сўз ва ижод эркинлигидан фаол фойдаланади. «Эркинлик – ижтимоий категория. Биз жамиятдан ташқарида эркинлик мавжуд дея олмаймиз, шунинг учун эркинлик кишилараро муносабатлар тизимидагина рўёбга чиқади. Эркинликни тушуниш ва рўёбга чиқаришнинг баъзи асосий хусусиятлари умумий бўлишига қарамай, ҳар бир аниқ жамиятдаги ҳукмрон миллий-маданий, тарихий, диний ва бошқа тартиб-қоидалар ва кадриятлар уни белгилаб келади. Масалан, Ғарбда алоҳида олинган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига урғу берилса, Шарқда жамоа, яъни гуруҳ, этнос, халқ ва миллат ҳуқуқи ва эркинликларига эътибор қаратилади» [5]. Шунинг учун эркинлик «бир қатор кадрият ва инсон мавжудлигининг асосий хусусияти, инсон ҳаётининг онтологик ибтидоси» сифатида нафақат аниқ ижтимоий-тарихий босқич маҳсули, балки, шу билан бирга, ҳар бир халқ, миллатнинг бутун борлиги, парадигмасининг инъикоси ҳамдир. Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти, умуман сўз ва ижод эркинлиги тўғрисида сўз борганида ўзаро диалектик боғлиқ ушбу икки жараённинг мавжудлигини эсдан чиқармаслик зарур.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритган биринчи кунларидаёқ сўз ва ижод эркинлигининг умум эътироф этган норма ва принципларини ҳаётга жорий этиш йўлини тутди. Улар БМТ Бош Ассамблеяси 1948 йилда қабул қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддасида қайд этилган. «Ҳар бир инсон, – дейилади унда, – эътикод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсқинликсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай воситалар билан давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади» [2].

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш масалалари мамлакат ҳаётининг диққат марказидадир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 декабрда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони

мамлакатимиз тиббиёти тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Фармон билан тасдиқланган 2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида [3,4] муҳим вазифалар белгиланди.

Хулоса

Айниқса, шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, мавқеини мустаҳкамлаш, уларга хурмат-иззат кўрсатиш, муносиб меҳнат шароитини яратиш ва иш ҳақларини ошириш, моддий-маънавий рағбатлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўришилиши, шу жумладан, гематология, вирусология, иммунология соҳалари, дори-дармон ва тиббиёт техникаси учун ажратиладиган маблағларни кўпайтириш лозимлиги борасида сиёсий партиялар матбуот органларида турли хилдаги мавзулар кенг ёритиб келинмоқда. Бу борада фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, тиббий маданиятини юксалтиришга эришилмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 2023 йил. <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // Одам савдосига қарши кураш соҳасидаги миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари. – Тошкент: Yurist-media markazi, 2010;13.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-sonli “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan YAngi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni.
4. ЎзР Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.
5. Гаджиев К.С. Политическая философия. – /М.: Экономика, 1999;304.
6. Mustafoyev V. O‘zbekiston Respublikasi saylov tizimi va saylov qonunchiligi. /Т.:TDYUI, 2004;3.
7. Джураев С. Время повышать активность // Народное слово. – 2002; 20 дек.
8. Жураев С., Ташкулов Ж. Многопартийность в структуре политической системы Республики Узбекистан // Правовое государство – независимость, нация, экономика, идеология, политика. – Ташкент: Адолат, 1994;116-153.
9. Qodirov A. O‘zbekistonda ko‘ppartiyaviylik tizimini shakllantirishning konseptual muammolari // Huquq-Pravo-Law. – 2002;4:51-53.
10. Ahmedov A., Turg‘unov O. Saylov jarayoni va oshkoralik. – Т.: O‘zbekiston, 2009;6-7.

Қабул қилинган сана 10.08.2023